



MUZRABOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqa boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 31-may
Shanba № 10 (4506)

O'zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyati
hokimining QARORI

A.A.Mamatqulovni Muzrabot tumani
hokimi lavozimiga tayinlash to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 124-moddasi,
«Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi
Qonunining 2, 6-moddalariga asosan

QAROR QILAMAN:

- Mamatqulov Abdulla Abdimo'minovich 2025-yil 23-may
kunidan Muzrabot tumani hokimi lavozimiga tayinlansin.
- Ushbu qaror xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi
tasdig'iga kiritilsin.

Surxondaryo viloyat hokimi

U.B.QOSIMOV

2025-yil 23-may 320-8-0-Q/25

O'zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyati
hokimining QARORI

A.K.Kurbanovni Muzrabot tumani hokimi
lavozimidan ozod qilish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasi «Mahalliy davlat hokimiyati
to'g'risida»gi Qonunining 2, 6-moddalariga asosan

QAROR QILAMAN:

- Kurbanov Alisher Kurbanovichni 2025-yil 23-may kunidan
Muzrabot tumani hokimi lavozimidan ozod etilsin.
- Ushbu qaror xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi
tasdig'iga kiritilsin.

Surxondaryo viloyat hokimi

U.B.QOSIMOV

2025-yil 23-may 319-8-0-Q/25

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Муз­ра­бот тумани Кенга­шининг нав­батдан ташкари сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишига Муз­ра­бот туманидан сайлан­ган халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашлари де­путатлари, туман Ҳо­ким­и ўрин­босарлари, тумандаги кор­хона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, туман фаоллари қатнашдилар.

Сессия ишига 3-Таскент сайлов округидан депутат Б.Курбонов раислик қилди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Муз­ра­бот тумани Ҳо­ким­и ва­зи­фасида ишлаб келган Алишер Курбо­нов Курбанов эгаллаб турган ва­зи­фасидан озод этилди.

Сессияда сўзга чиққан Сур­хон­дарё вилояти Ҳо­ким­и У.Қосимов Муз­ра­бот тумани Ҳо­ким­и лавозимига тавсия этилаётган Абдулла Аб­думў­ми­нович Маматқулов ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан сессия иштирокчиларини таниш­

тирди. Шундан сўнг туман Ҳо­ким­и мас­ла­хат­чи­си Ф.Нор­ма­ма­това, “Нуроний” жамғар­маси туман бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кен­га­ши депутати Э.Собиров, меҳнат фахрийси, халқ де­путатлари туман Кенгаши де­путати Т.Тангиров сўзга чи­қиб, Муз­ра­бот туманини иқ­ти­содий-ижтимоий ва маданий ривожлантириш борасида бўлажак ҳо­ким фаолиятига му­ва­ф­фа­қиятлар тиладилар, та­ки­лиф ва истақларини билдир­дилар.

Сессияда Абдулла Аб­думў­ми­нович Маматқулов Муз­ра­бот тумани Ҳо­ким­и этиб тас­диқланди.

Сессияда сўзга чиққан А.А.Маматқулов ўзига билди­рилган юксак ишонч учун мин­натдорчилик изҳор этди. Ту­мани ҳозирги ислохотлар даражасида ривожлантириш, бунинг учун ўзидаги бор қув­ватини, билими, тажриба ва салоҳиятини аямаслигини таъкидлади.

Тушунтириш-тарғибот

Мақсад — таълим самарадорлигини ошириш



Муҳтарам Президентимиз раислигида жорий йилнинг 15 май куни бўлиб ўтган ви­деоселектор йиғилишида таълимдаги ислохотлар са­ма­радорлигини янада оши­риш масалалари кенг му­ҳо­кама қилинди.

Мазкур йиғилишда маҳал­лий Кенгаш депутатларига ҳам таълим сифатини оши­ришда фаол иштирок этиш, жойлардаги муаммоларни аниқлаб, уларни қатнараф этишда бе­восита қатнашиш ва­зи­фаси топирилди.

Айни шу топшириққа би­ноан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Э.Собиров, Д.Джурбаева ҳамда туман Кенгаши де­пу­тати Д.Шербоевлар томони-

дан тумандаги Мактаб­ча ва мактаб таълими муассасала­рида ўқитувчилар билан уч­ра­шувлар ўтказилди. Тарғи­бот тадбирларида ўқитувчи­ларга берилаётган имтиёз­лар, таълимга қаратилаётган эътибор, мактаб­ча ва мак­таб таълими муассасалари­нинг моддий-техника базаси­ни яхшилаш каби масалалар ҳақида маълумотлар берил­ди.

Депутатлар ўқитувчиларга му­рожаат қилар экан, ил­гари сури­лаётган ушбу ислохотлар – фарзандларимиз келажаги, жамиятимиз та­раққиёти учун муҳим қадам эканлигини таъкидлаб ўтди­лар.

С.ЮСУПОВ.

Муз­ра­бот тумани Ҳо­ким­и Абдулла Аб­думў­ми­нович МАМАТҚУЛОВ



Абдулла Аб­думў­ми­нович Ма­матқулов 1985 йил 29 майда Сур­хон­дарё вилояти Олтинсой ту­манида туғилган. 2011 йилда Тошкент тўқимачилик ва ён­гил саноат институтини битирган. Маълумоти бўйича мутахассис­лиги механик-технолог, Ўзбек­истон “Миллий тикланиш” де­мократик партияси аъзоси.

Абдулла Аб­думў­ми­нович Ма­матқулов меҳнат фаолияти­ни 2011-2012 йиллар Олтин­сой қурилиш касб-хунар кол­лежи ўқитувчилигидан бошла­ди. 2012-2014 йиллар “Шўр­дон” очик акционерлик жамия­ти биринчи элеватор ишчиси бўлиб иш­ла­ди. Шундан сўнг ол­ти йил давомида Олтинсой ту­манидаги “Хўжайпок” ичим­лик сув бўлими бошлиғи, Сур­хон­дарё вилояти “Сувоқава” давлат унитар корхонаси ди­ре­кторининг эксплуатация бўйича ўринбосари, “Сурхон­дарё сув таъминоти” масъули­я­ти чекланган жамияти дирек­торининг биринчи ўринбосари, Термиз шаҳридаги “Тер­миз тезкор” иختисослаштирил­ган таъмирлаш қурилиш таш­ки­лоти директорининг ка­питал қурилиш бўйича ўрин­босари лавозимларида фао­лият юритди. 2021-2025 йил­лар давомида Бандихон ту­ма­

ни ҳокимининг қурилиш, ком­му­никациялар, коммунал хўжа­лик, экология ва кўкаламзор­лаштириш масалалари бўйича ўринбосари (икки муддат), Бандихон тумани Ободонлаш­тириш бошқармаси бошлиғи, “Сурхондарёсувқурилишин-вест” давлат унитар корхона­си директори, “Сурхондарё сув таъминоти” акциядорлик жа­мияти директори бўлди. 2025 йил 23 май куни халқ депутатлари Муз­ра­бот тумани Кенга­шининг сессияси Сур­хон­дарё вилояти Ҳо­ким­ининг Абдулла Аб­думў­ми­нович Ма­матқуловни Муз­ра­бот тумани Ҳо­ким­и этиб тайинлаш тўғ­ри­сидаги қарорини тасдиқлади.

Муносабат

Стратегик ҳамкорлик янги босқичга кўтарилади



Жорий йил 19-22 май кунлари Ўзбекистон Рес­пуб­ликаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия ва Сло­ве­ния Рес­пуб­лика­си­га рас­мий ташрифлар билан бор­ди. Ушбу ташрифлар икки ва кўп томонлама ҳам­кор­ликни мустаҳкамлаш, сиё­сий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янги даражага олиб чиқиш мақ­са­дида амалга оширилди.

Ташриф доирасида Вен­грия Рес­пуб­ликаси Бош ва­зи­ри Виктор Орбан ва Сло­ве­ния Рес­пуб­лика­си­га Прези­денти Наташа Пирс Мусар, шунингдек, бошқа юқори да­ражадаги расмийлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. То­монлар ўзаро манфаатли ҳам­кор­ликни кенгайтириш, минтақавий ва глобал ми­кёсдаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди­лар.

Президент Шавкат Мир­зиёев Венгрияда бўлиб ўтган учрашувлар чоғида икки дав­лат ўртасидаги стратегик ше­рик­ликни янада ривожлан­тириш масалаларига алоҳи-

да эътибор қаратди. Иқтисо­дий ҳам­кор­лик, қишлоқ хўжа­ли­ги, таълим, инновациялар ва юқори технологиялар со­ҳа­ларида янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ке­ли­шувларга эришилди. Ҳа­то­р икки томонлама ҳужжатлар, жумладан, инвестициявий ке­ли­шувлар ва ҳам­кор­лик ме­морандумлари имзоланди.

Словениядаги расмий уч­ра­шувлар давомида эса, икки томонлама муносабат­ларни диверсификация қилиш, айниқса, “яшил иқ­ти­сод”, соғлиқни сақлаш, ту­ризм ва логистика соҳала­ри­да ўзаро алоқаларни кен-



«Сўнги кўнғироқ»

«Илм — энг буюк шараф!»

Мамлакатимиз бўйлаб “Илм— энг буюк шараф!” шиори ос­тида “Сўнги кўнғироқ” тад­бирлари ўтказилгани каби туманимиз умумтаълим мак­си­табларида ҳам бу ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Туманимиздаги ўз нуфузи­га эга 7-умумтаълим мактаби ховлиси байрамони безати­либ, унда ўқувчи ва ўқитувчи­лар, ота-оналар ҳамда меҳмон­лар жам бўлишди. Садафдай саф торган битирувчилар ўзгача ҳаяжонда.

Дастлаб давлатимиз Мад­хияси жаранг сочди. Шундан сўнг битирувчиларни туман Ҳо­ким­и ўринбосари Ф.Раҳмо­нов муборакбод этди ва Ўзбек­истон Рес­пуб­ликаси Прези­дентининг табрик хатини ўқиб эшиттирди.

Бадий қисмда бошланғич синф ўқувчилари мустақил ҳаётга қадам қўяётган опа-ака­ларини қўтлаб, шеърлар ўқишди, шўхчан тароналарга рақсга тушишди.

Шунингдек, “Сўнги кўнғи-

роқ” тадбирида сўз олган ту­ман Мактаб­ча ва мактаб таъ­лими бўлими мудири С.Ҳам­раев, мактаб директори Т.Ўта­ев ҳамда ота-оналар вакилла­ри катта ҳаётга учирма бўла­ётган “кабутарлар”га юксак парвозлар тиладилар.

Яқунда битирувчиларга, аълочи ўқувчиларга, устозлар­га ва ота-оналарга мактаб маъ­муриятининг “Фахрий ёрлик”, “Ташаккурнома” ва эсдалик совғалари топширилди. “Сўнги кўнғироқ” садолари янгради.

Сирожиiddin
ҚУЛБОБОВЕВ.

Суратда: “Сўнги кўнғироқ” тадбиридан лавҳа.

Тайинлов



Тагаева Моҳира Рахматул­лаевна Муз­ра­бот тумани Ҳо­ким­ининг қарори билан Муз­ра­бот тумани Ҳо­ким­ининг ўрин­босари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи лавозимларида фао­лият юритган. 2024 йилдан янги лавозимга та­йин­лангунга қадар Термиз шаҳар “Чархпалак” масъулия-ти чекланган жамия­тига қарашли “Раиз” меҳмон­хонаси директори ўринбосари лавозимида ишлаган.

Маълумоти бўйича мутахас­сислиги славян (рус) фило-

логияси ўқитувчиси. У 2004-2024 йилларда Термиз шаҳар ҳо­ким­ли­ги умумий бўлим курьер­и, ҳо­ким­лик спорт иш­ларини ташкил этиш ва ри­вожлантириш масалалари бўйича етакчи мутахассиси, умумий бўлим етакчи мутахас­сиси, оила, оналик ва бола­ликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси биринчи тоифали мутахассиси, Ўзбек­истон таълим, фан ва мада­ния­т ходимлари қасаба уюш­маси Марказий Кенга­шининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси, Термиз шаҳар ҳо­ким­ининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи лавозимларида фао­лият юритган. 2024 йилдан янги лавозимга та­йин­лангунга қадар Термиз шаҳар “Чархпалак” масъулия-ти чекланган жамия­тига қарашли “Раиз” меҳмон­хонаси директори ўринбосари лавозимида ишлаган.

Оилали, 3 нафар фарзан­ди бор.

Фуқаролар йиғинларида сайловлар

Шаффоф ва ҳаққоний

Мамлакатимизда бўлгани каби, туманимиз маҳаллалари­да фуқаролар йиғинлари ра­ислари сайлови қонунчилиги­миз талаблари асосида юксак ушўқоқлик ва кўтаринкилик руҳида бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, Маданият маҳалла­сида бўлиб ўтган биринчи йи­ги­лишда фуқаролар йиғини раислигига икки нафар ном­зод тенг овоз олишди. Шу са­бабли бу ерда қонунчилигимиз доирасида такрорий овоз бе­риш ўтказилди. Такрорий сай­ловда энг кўп овоз олган Ра­вшан Хуррамов маҳалла фуқа-

ролар йиғини раиси этиб сай­ланди.

х х х

“Бодомзор” маҳалла фуқа­ролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда вакиллар раисли­ка уч нафар номзод учун овоз бердилар. Шаффоф ва ош­кор­а бўлиб ўтган сайловда ва­килларнинг энг кўп овозини олишга муваффақ бўлган Ра­вшан Хурсанов маҳалла фуқа­ролар йиғини раислигига сайланди.

Туманимизда маҳалла фуқа­ролар йиғини раислари сай­лови давом этмоқда.

Ҳосил — 2025

Ғалла ўрими авж палласида

Туманимиз ғаллакорлари мамлакатда биринчилардан бўлиб, янги ҳосил ўрими-йиғи­мини бошлаб юбордилар.

Бу йил 12500 гектар ерга деҳқончилик қилаётган “олтин бошқоқ” ижодкорлари вегета­ция даврида ғалла парваришини намунали ташкил этиб пайкал­ларда мўлжалдагидан ҳам зиёд сара ва сифатли дон етишти­ришга муваффақ бўлдилар. Мавсум олдидан 10 та ўрими-йиғим отряди шакллантири­либ, мавжуд 20 та комбайн да­лада юқори унум билан ишла­тиляпти. Бундан ташқари ви-



лоят туманларидан қўшимча 60 та комбайнларни жалб этиш ҳам режалаштирилган. Туманимизда ғалла ўрими-йиғими кун сайин қизғин тус олдириляпти.

Муносабат

Энг долзарб концепция

Бугун инсон ва табиат муносабатларига кечиктириб бўлмайдиган ва энг долзарб масала сифатида қараш глобал муаммога айланмоқда. Бутун дунёни эгаллаб олаётган экологик фожиаларнинг түб сабабини, том маънода, инсон омилининг атроф-муҳит ва табиий ресурсларга нотўғри ва тажовузкорона муносабатининг оқибати деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги Фармони билан “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширилишига қаратилган давлат дастури тасдиқланган. Мазкур ҳужжатда кенг жамоатчилик, халқаро ва маҳаллий экофаоллар ҳамда Ўзбекистон Экологик партиясининг бир қатор тақлифлари ўрин олганлиги мамлакатимиз келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимизга катта масъулият юқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг



экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳам том маънодаги бўшлиқларни тўлдиради ва ушбу қақирққ аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширади. Давлат органларининг фуқа-

ролар, нодавлат нотижорат ва фуқаролик жамиятларининг бошқа инсти-тутлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Ўзбекистон Экологик партиясининг фуқароларнинг экологик бўлимини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, она заминни асраб-авайлаб келажак авлодга қолдиришга қаратилган давлат сиёсатининг устувор вази-фаси сифатида қақирққ, десак му-болага бўлмайди.

“2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси” 5 та боб, 4 та банд, 18 та йўналишдан иборат. Барча муаммолар ечими концепция-га муассасланган. Ушбу қарор фуқароларнинг экологик билимларини оширишга қаратилганлиги, унинг иж-росини таъминлаш бўйича партия фаолиятини оширган, депутатлик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмини қўллаган ҳолда амалга оширишимиз талаб қилинади. Бунинг учун жавобгарликни доимий бурчи-миз деб билишимиз шарт ва зарур.

Нормаҳмат ЯХШИБОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Музrabot тумани Кенгаши раиси.

Ёшлар ҳуқуқ ва эркинликлари

Битирувчилар билан мулоқот

Янги Ўзбекистоннинг энг улуг мақсади, аввало, ёшларимиз ва фуқароларимиз манфаатлари қўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Бош қомусимизнинг II-боб, 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларига асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» дейилган.

Яқинда тумандаги 6-умумтаълим мактабига “Дарбанд” маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Ёдгоров ва участка нозир С.Тўраевлар ташриф буюришди. Бундан мақсад “Ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ва халқро қарашлар” бўйича маҳаллада олиб борилаётган ишлар юзасидан бу йилги битирувчи ёшлар билан педагоглар ҳамкорлигида мулоқот ўтказиш эди.

Йиғилишни мактаб директори Ё.Нормуродов кириш сўзи билан очиб берар экан, ўқув масканида ўқувчи ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича тўхталиб ўтди. Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари С.Раҳимкулов ёшлар ўртасида инсон ҳуқуқлари ва халқро қарашлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кўпроқ ташкиллаштириш ҳақида ўз фикр, тақлифларини берди.

Шундан сўнг “Дарбанд” маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Ёдгоров



сўзга чиқиб, юртимизда ёшларимиз ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борада инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳам ёшларимизни қўллаб-қувватлаётганини таъкидлади. Бундан ташқари марказ томоничи билан миллий ҳаракат режасини тузиш, Конституциямиз, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум-эътироф этилган халқро ҳуқуқ меъ-ёрлари ва қондаларини амалга оши-риш стратегиясини ишлаб чиқиш, хусусан, ёшларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат та-шқилотлари билан ҳамкорлигини ри-вожлантириш бўйича самарали иш-лар олиб борилаётганлигига алоҳи-да ургу берилди.

Участкиси нозир С.Тўраев эса

маҳалла ёшлари, умуман, фуқаролар ўз ҳуқуқларига риоя этиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан гапирди. Айниқса, ёшлари-миз учун жойларда маърузалар, ўқиш, илмий маъмулотлар бериш, инсон ҳуқуқлари бўйича керакли ташқилот-лардан маслаҳатлар олиш, тадқиқот-лар билан миллий ҳаракат режасини тузиш, Конституциямиз, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум-эътироф этилган халқро ҳуқуқ меъ-ёрлари ва қондаларини амалга оши-риш стратегиясини ишлаб чиқиш, хусусан, ёшларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат та-шқилотлари билан ҳамкорлигини ри-вожлантириш бўйича самарали иш-лар олиб борилаётганлигига алоҳи-да ургу берилди.

Жавоҳир АБДИШУКУРОВ,
Денов Тадбиркорлик ва педа-гогика институти 2-курс тала-баси.

Суннатулла ПАНЖИЕВ,
6-умумтаълим мактаби тасви-рий санъат ўқитувчиси, санъ-атшунос.

MUZRAVOT

Ватан мудофааси йўлида

Аскар онаси шарафланди

Туманимиздаги 36-мактабнинг собиқ битирувчиси Жаҳонгир Хурсандов ҳозирги кунда Андижон шаҳридаги ҳарбий қисм-ларнинг бирида хизмат қилади.

Кичик сержант Жаҳонгир Хурсандов ҳарбий хизмат мажбуриятларини шараф билан бажариб, сафдошларига намуна бўлиб кел-аётди. Аъло хизматлари учун яқинда ҳарбий қисм коман-дири номидан юртимизнинг садақотли Ватан ҳимоячи-сини тарбиялаган ота-она-сига чуқур миннатдорчилик билдирилди.

Жаҳонгиржонни оқ ювиб, оқ тараган, кечалари бедор аллалар айтиб, Ватанга садақот руҳида тарбиялаганлиги учун она-си Дилафрўз Бобоқулова



Қуролли Кучлар Юбилей қўмитасининг “Ватан ҳимоя-чисининг онажонига” ме-дали билан тақдирланди.

Мактабимизда Жаҳон-гиржоннинг издошлари бўлган юртга садақот ру-ҳида таълим-тарбия ола-ётган ватанпарвар ёшлар бисёр. Биз ишонамизки, мамлакатимиз байроғини бундан-да юқори кўта-ридан ёшлар етишиб чи-каверади.

Йўлдош АБРАЕВ,
36-мактабнинг Чақирқққа қадар бошланғич тайёрғар-лик раҳбари.

Дон–ризқ-рўзимиз

ҒАЛЛАНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК

Шу кунларда туман ғаллакорлар-и етиштирган ҳосилни қисқа фур-сатларда ўриб-йиғиб олиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилюқда.

Ғалла ўрим-йиғими мобайнида ёнғин билан боғлиқ фавқулодда ҳо-дисаларнинг олдини олиш мақсадида ғалла ўрими отрядларига туман ФВБ ёнғин-қутқарув қисми ходимлари ҳам бириктирилган. Мавсумда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин-ларнинг олдини олиш ва бу йўна-лишдаги ишларни ташқил этиш мақ-садида махсус қўлланма ва йўриқ-номалар ишлаб чиқилиб, жалб этил-ган маъсул вакиллари тарқатилди.

Ҳозирги кунда туман ғаллазор-ларига 20 та ўрим комбайни ҳамда қишлоқ ҳўжалиги транспорт восита-лари жалб этилган. Йиғиштириб оли-наётган ҳосилни дон қабул қилиш омборига етказиш ва уни сақлаш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилиш ҳар бир ғаллакорнинг вазифасидир. Ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмасдан омборга еткази-лишни таъминлаш учун ишлатила-ётган транспорт воситаларининг ёнғинга қарши ҳолати алоҳида на-зоратга олинган. Дон сақланадиган

омбор ва хирмонларда ёнғин ўчи-риш асбоб-анжомларининг созлиги таъминланган.

Дон қабул қилиш омборининг ёнғинга қарши ҳолати доимий на-зорат қилинмоқда. Қабул масканида ташқил этилган кўнгилли ўт ўчириш ғуруҳлари билан ҳамкорликда ишчи-хизматчилар ўртасида амалий так-тик машғулотлар ўтказилди. Ғалла-зорлар яқинидан ўтувчи темир йўл ва серкатнов автомобил йўллари атрофидаги қуриган хас-хашақлар-ни йиғиштириб олиш мақсадида ту-мон Ободонлаштириш бошқармаси ва “Sale king dom” МСНД томонидан тозалаш ва ободонлаштириш иш-лари олиб борилюқда. Ёнғин хавф-сизлигини тарғиб этиш мақсадида серкатнов олиб барчамизнинг долзарб вазифамиздир.

Дон – ризқ-рўзимиз, дастурхо-нимиз тўқинлиги. Шу боис, унинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қил-масдан йиғиб олиш барчамизнинг долзарб вазифамиздир.

Х.МИРЗАЕВ,
туман фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.

бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартнома-сида иш берувчи ходимнинг илтимосига қўра унга иш ҳақи қисман сақлана-диган таътил бериши шарт бўлган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

О.ЖУМАЕВ,
туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

Ота-оналик ҳуқуқи Оила кодексининг 81-моддасига қўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси бөлгача нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу бөлгача нисбатан бўлган қариндошлик фактига асос-ланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъминот олиш, шунингдек, бөлали фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва нафақа-лар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз бөласига таъми-нот (алимент) бериш мажбуриятдан озод қилмайди. Ота ёки онаси ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек, ота ёки онаси ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкий ҳуқуқларини, жумладан, мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Сироҳиддин ҚУЛМАТОВ,
Сурхондарё вилоти адлия бошқармаси ходими.

Қонун кучга кирди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбо-шимчалик билан эғаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун имзоланди.

Қонун 35 моддадан иборат бўлиб, 2028 йил 1 январга қадар амал қилади. Қонунга асосан қуйидаги кўчмас мулкларга нисабатан ҳуқуқлар эътироф этилиши белгиланади:

- 1) 2018 йил 1 май кунига (2018 йилдаги “бир марталиқ акция”га) қадар фуқаролар яқка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбосимчалик билан эғаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 2) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар ва ташқилотлар томонидан ҳўжатда қўрсатилган майдондан ортиқча эғалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 3) “бир марталиқ акция” доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 4) 2021 йил 8 июнга (ҳўқимларнинг ваколати бекор қилинғунига) қадар туман (шаҳар) ҳўқимлари қарори билан ажратилган, лекин вилот ҳўқими ёки халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер участкаларига;
- 5) боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги турар жойлар ҳамда улар эғаллаган ер участкасига;
- 6) кичик саноат зоналари ҳудудига 2020 йил 9 мартга қадар жойлашти-рилган тадбиркорларнинг ер участкасига;
- 7) давлат ордери билан ҳўсусийлаштирилган бинолар ва уйлار эғалла-ган ер участкасига;
- 8) ҳўқим қарори билан мулк ҳўқуқи эътироф этилган бинолар ва уйлار эғаллаган ер участкасига.

Бунда, ижара муддати яқка тартибдаги уй-жойлар эғаллаган ер участ-калари учун тўқсон тўққиз йил, бошқа ер участкалари учун қирқ тўққиз йил этиб белгиланмоқда.

О.АЛЛАБЕРДИЕВ,
туман адлия бўлими бошлиғи.

Ilmiy faoliyat

Nazariy asoslar va yo‘nalishlar

Kompyuter lingvistikasini Surxondaryo viloyatining Muzrabot tumanida rivojlanishi va taraqqiyoti yo‘llari

Zamonaviy raqamli transformatsiya davrida kompyuter lingvistikasi nafaqat ilmiy soha sifatida, balki iqtisodiy-ijtimoiy taraqqiyotning kuchli omillaridan biri bo‘lib maydonga chiqmoqda. Bu yo‘nalish sun‘iy intellekt, tabiiy tilni qayta ishlash (NLP), nutqni avtomatik aniqlash, matn tahlili, avtomatik tarjima va boshqa ko‘plab ilg‘or texnologiyalarni o‘z ichiga oladi. Kompyuter lingvistikasining asosiy maqsadi – inson tilini mashinalar tomonidan tushunish va qayta ishlashga moslashtirishdir.

Ushbu sohada Surxondaryo viloyati, xususan, Muzrabot tumani misolida ham ilmiy faoliyat olib borilayapti. Bu hududda mavjud til resurslarini – jumladan, mahalliy lahja va shevalarni — raqamlashtirish orqali ularni ilmiy manba sifatida saqlab qolish, shuningdek, til asosidagi interaktiv tizimlar ishlab chiqish imkoniyati mavjud. Masalan, davlat xizmatlariga murojaat qilishda oddiy aholiga qulay bo‘lgan chatbotlar yoki ovozi yordamchilar ishlab chiqilishi mumkin. Kompyuter lingvistikasi – bu kompyuter fanlari va tilshunoslik chorrahasida joylashgan tarmoq fan bo‘lib, uning asosiy vazifasi inson tilini kompyuter tomonidan tushuniladigan va qayta ishlanadigan shaklga keltirishdir. Bu soha quyidagi yo‘nalishlarni qamrab oladi:

morfologik va sintaktik tahlil: so‘zlarning shakllarini va gap tuzilishini avtomatik aniqlash;

mashina tarjimasi: chet tillardan o‘zbek tiliga va aksincha, avtomatik tarjimalarni amalga oshirish;

nutqni tanish va sintez qilish: ovozi ma'lumotlarni matnga aylantirish yoki aksincha;

korpus lingvistikasi: katta hajmdagi matn bazalarini (korpuslarni) yaratish va tahlil qilish;

til asosidagi sun‘iy intellekt tizimlari: chatbotlar, virtual yordamchilar va boshqa interaktiv tizimlar. Bu texnologiyalar tilni raqamli muhitga olib kirishda, ijtimoiy xizmatlar va ta’limda yangi imkoniyatlar yaratishda muhim rol o‘ynaydi.

Muzrabot tumani Surxondaryo viloyatining ijtimoiy-iqtisodiy salohiyatiga ega hududlaridan biri bo‘lib, bu yerda raqamli texnologiyalarni joriy etish imkoniyatlari mavjud:

maktab va o‘rta maxsus o‘quv yurtlari zamonaviy kompyuter sinflari bilan jihozlanmoqda;

yoshlar orasida IT yo‘nalishlariga qiziqish ortmoqda;

hududiy kutubxonalar va AKT markazlari faoliyat yuritmoqda.

Ammo aynan kompyuter lingvistikasi sohasi bo‘yicha tizimli yondashuv, ilmiy loyiha yoki startaplar mavjud emas. Mahalliy sheva va tilidan foydalanish

imkoniyatlari raqamli shaklga o‘tkazilmagan, til resurslari yig‘ilmagan. Bu esa sohaga nisbatan e‘tiborni kuchaytirishni taqozo etadi.

Muzrabot tumanida kompyuter lingvistikasini rivojlantirish uchun quyidagi amaliy yo‘nalishlar taklif etiladi: mahalliy til resurslarini raqamlashtirish, lahja va shevalarni yozib olish, ularni matn va ovoq formatida saqlash, til korpuslarini yaratish va ularni ilmiy tahlil qilish. Bunda tilga asoslangan xizmatlarga davlat xizmatlarida ishlatiladigan chatbotlar yaratish, hamda aholi uchun ovozi yordamchi tizimlar joriy etish keraki.

Mashina tarjima tizimlari yo‘nalishida o‘zbek tilidan ingliz tiliga va aksincha avtomatik tarjima qiluvchi, shuningdek, mahalliy tadbirkorlar uchun til bo‘yicha onlayn yordam tizimlari yaratiladi. Ta’lim va kadrlar tayyorlash masalasida esa informatika va o‘zbek tili fanlari integratsiyalashgan holda o‘qitiladi.

Quyidagi loyihalar Muzrabot tumanida bosqichma-bosqich amalga oshirilishi mumkin:

1. “O‘zbek nutq tanuv” – og‘zaki nutqni matnga aylantiruvchi mobil ilova.

2. “Muzrabot sheva korpusi” – hududiy lahjalaridan iborat elektron ma'lumotoma.

3. “Smart tarjimon” – kichik tadbirkorlar uchun ingliz–o‘zbek tarjima tizimi.

4. “Til o‘rganuvchi platforma” – yoshlar uchun til va dasturlashni integratsiyalagan interaktiv veb ilova.

Kompyuter lingvistikasi Surxondaryo viloyati, xususan Muzrabot tumani uchun nafaqat ilmiy, balki ijtimoiy va iqtisodiy ahamiyatga ega yo‘nalishdir. Bu sohaga bo‘lgan e‘tibor raqamli savodxonlikni oshiradi, til resurslarini saqlab qoladi, interaktiv xizmatlar va startaplar yaratish imkonini beradi. Mahalliy til xazinasi raqamli muhitga olib chiqish orqali, nafaqat ilm-fan, balki mintaqaviy taraqqiyotga ham hissa qo‘shish mumkin.

V.ABIROV,
Toshkent Davlat universiteti katta o‘qituvchisi, fanlari boyicha falsafa dekori (PhD).

Ruxshona SAFAROVA,
shu universitetning 1-bosqich talabasi.

Сўраган эдингиз

Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашнинг ва диний соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 февралдаги ўРҚ-1037-сон Қонуни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси”га қўра, фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини изчил рўёбга чиқариш, жамиятда конфессиялараро муносабатларни янада мустақамлаш йўналишида давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат, жумладан:

- фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини таъминлаш, диний ташқилотларнинг қонуний фаолияти учун зарур ташқиллий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;
- давлат органларининг диний ташқилотлар билан ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини ваколатли давлат органи орқали мувофиқлаштириш;
- конфессиялараро тотувлини ва диний бағрикенгликни таъминлашда давлат органлари, диний ташқилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш;
- зиёрат туризми, бошқа диний расм-русумлар ва маросимлар хавфсиз ўтказилишини таъминлаш масалалари бўйича фуқаролар, диний ташқилотлар ва давлат органларининг ҳамкорлигини таъминлаш;
- диний конфессияларнинг байрамларини ташқил этиш ва ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

Иномжон МАМАТҚУЛОВ,
Сурхондарё вилоти адлия бошқармаси шўббаси бошлиғи.

Қарз муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-бобида белгиллаб қўйилган бўлиб, унга мувофиқ фуқаролар ўртасида қарз ҳажми энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан зиёдни ташқил этса, олдий ёзма шаклда тузилиши шарт. Бунда қарз шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши шарт эмас.

Лекин тарафлардан бири шартноманинг нотариал тасдиқланишини талаб этса, бу сўровни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариал идорага мурожаат қилиш мумкин. Қарз шартномаси тасдиқланаётганда нотариус тарафларнинг ҳақиқий истакларини аниқлаши лозим. Буни аниқлаш мақсадида ариза олиши мумкин.

Дилдора ЙўлдошЕВА,
Сурхондарё вилоти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шўббаси бош маслаҳатчиси.

Иш ҳақи қисман сақланадиган таътил

Жамоа келишувларида ёҳуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаганда эса меҳнат шартнома-сида ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш имконияти назарда тутилиши ва бундай таътилни календар йил давомидаги энг кўп давомийлиги белгиланиши мумкин.

Ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш ва унинг давомийли-ги тўғрисидаги масала ҳар бир мўайян ҳолда меҳнат шартномаси тарафла-рининг келишувиға қўра ҳал этилади. Ходимнинг унга бундай таътил берили-шиға розилиғи иш берувчиға ёзма ариза бериш орқали билдирилади.

Жамоа келишувларида ёҳуд жамоа шартномасида ёки меҳнат ҳақидаги

*Ўзбек романчилигининг асосчиси*

ЖАДИДЛАР МЕРОСИ

Ўзбек миллий уйғониш ҳаракати жадидчилик туфайли шаклланиб, халқнинг миллий ўзлигини англатган. Маълумки, жадидчилик фаолиятда катта аҳамият касб этувчи ижодкорлар қаторида Абдулла Қодирий номи ҳам алоҳида тилга олинади.

Ижодкор ўша давр муҳити ва кайфиятидан келиб чиқиб асарларида жадидчиликка оид гоյларини ҳам илгари суради. Аср бошида ўлкада кенг оммалашаётган театрлар, саҳна асарлари, театр труппалари, бадийи асарлар, уларнинг яратилиши дунё ҳам-жамиятида ривожланаётган адабиёт, санъат соҳалари билан бирга мутаносиблики ташкил этади. Адибнинг “Аҳволимиз”, “Миллатимга бир қарор”, “Тўй” каби шеърлари ҳам кишиларнинг эътиборини тортади.

Бугунги кунда адабий жамоатчилик томонидан Абдулла Қодирий ижодини ўрганишда нафақат дунё олимларининг қарашлари, яъни ўзбек адабиётининг ўтган асрда тутган

ўрни ривожланиш босқичлари кенг тарзда муҳокама қилинади. Жадидчилик соҳаси ва жадидчилик ишларида фаолият юритган кишиларнинг қаторида Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Махмудхўжа Бўхбўдий, Мунавварқори Абдурашидхонов ва Абдулла Қодирийларнинг вази-фалари, бажарган ишлари кенг тарзда эътиборга сазовордир.

Бунда Абдулла Авлонийнинг мактаб унун дарслик яратиш бўйича сайхарақатлари эътирофга олинган бўлса, Махмудхўжа Бўхбўдийнинг театр, санъат соҳасига оид илмий ва бадийи асарлари билан кенг кўламлида ўзига хошлиқни ташкил этади. Абдулла Қодирий эса ўзининг шеърӣ асарларида ва бадиятида жадидчиликка оид фикрларини номоён этар экан, халққа нисбатан танқидий қарашларини ҳам шеърӣ, ҳам бадийи, ҳам публицистик руҳда баён этади. Хусусан, “Аҳволимиз” шеъри ўша давр муҳитидан келиб чиқиб,

миллатпарварлик, маърифатпарварлик руҳида ёзилган, жадидчилик гоյлари билан сўғорилган. Шеърда миллатнинг забун ҳолатидан куюниб сўзлайди, уйғонишга даъват этади, фикрлашга ундайди.

Абдулла Қодирий қаламига мансуб “Ўтган кунлар” романи ўзбек адабиётида роман жанрида ёзилган ilk асар. Шу билан ёзувчи ўзбек романчилигига асос солган. Роман орқали Абдулла Қодирий халқнинг миллий онгини уйғотмоқчи, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари “хон замонлари”нинг муҳиш тарихий жараёнлари ҳақида сўз очиб, бундан халққа сабоқ бермоқчи бўлади. Адиб тараққийпарвар зиёлилар қаторида туриб, миллат тақдири устида астойдил қайғуради, ҳаёт йўлини эса адабиётда кўргани боис миллий руҳдаги асарлар яратишга киришади.

Асардаги Отабек Кумуш ва Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим Зайнаб каби образлар ўзбек адабиётининг,

том маънода ёрқин қахрамонлари намунасидир.

Адиб қизгин ёзувчилик фаолияти билан бирга таржима билан ҳам шуғулланган. Шубҳасиз, Абдулла Қодирийнинг ўз асарлари ҳам бир қанча дунё тилларига таржима қилинган. Унинг асарлари кўплаб Шарқ ва Европа мамлакатларида эътироф этилади.

Абдулла Қодирий 1937-йилнинг 31 декабрида “Халқ душмани” сифатида хибсга олинади. 1938 йилнинг 4 октябрида ёзувчи 9 ойлик хўрликлардан сўнг отиб ташланди. Қамоққа олингандан сўнг, унинг асарлари “Зарарли” деб топилди, ўқиш тақиқланди. Кнмининг кўлида “Ўткан кунлар” романини кўриб қолишса, дарҳол қамашарди. 1957 йилда ёзувчи номини оқланди. Ҳақиқат қарор топди. Унинг ўзи ёзганидек: “Ишчи-деҳқонлар ёзгон асаримни суғониб ўқийдилар ва мени ёзувчилар қаторига киргазилдилар ва мени ҳамон ўқирлар ва унутмаслар...”

Дарҳақиқат, мангуликка муҳрланган адиб ва унинг асарлари доим барҳаёт.

Шабнам НУРМАМАТОВА,
“Нотиклик” тўғраги аъзоси.

*Беллушув*

«Буюк математикларнинг издошлари»

Халқимизда «Математика–фанларнинг шоҳи» деган ҳикматли ибора бор. Ҳақиқатан ҳам бу фан инсон тафаккури-ни чарҳлайди, мантикий фикрлашни ривожлантиради ва ҳаётда тўри қарорлар қабул қилишга ўргатади.

Тумандаги 25-мактабда математика фанидан «Буюк математикларнинг издошлари» номили тадбир бўлиб ўтди. Тадбир мактабнинг 8-синфлари ўртасида ўтказилди.

Тадбирнинг асосий мақсади – ўқувчиларни математик тафаккурга йўналтириш, уларни фанга бўлган қизиқишини ошириш, жамоавий ишлашга, тез ва аниқ фикрлашга ўргатишдан иборат.

Тадбирда ўқувчилар 2 та жамоага бўлиниб, 4 та йўналишда беллашишди: 1-шарт – математика ривожига ҳисса қўшган олимлар ҳақида ва уларнинг ёзган асарлари, ри-

солалари ҳақида маълумот бериш; 2-шарт – гуруҳлар ўз номлари, яъни Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний сўзлари ортида яширинган шаклларнинг номларини таърифлари билан келтириш; 3-шарт – берилган мисолларни ишлаб, савол, сўнг жавоб кўринишида тўртбурчак шаклини ҳосил қилиш; 4-шарт – ақлни чарҳлайдиган мантикий саволни ўртага ташлаш.

Тадбирда ўқувчилар рақслар ва ўстозларга аталган аjoyиб шеърлар билан аяунлашди. Фолиб бўлган жамоа мактаб раҳбарияти томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Бундай интеллектуал беллашувлар ўқувчиларни билим олишга, тафаккур қилишга ва ижодий ёндашмишга ундайди.

Лайло ЖУМАНАЗАРОВА,
25-мактабнинг математика ўқитувчиси.

Matematika kechasi

Buyuk allomaga bag‘ishlandi

Maktabimizning 7-sinf o‘quvchilari uchun matematika fani bo‘yicha bilim va qiziqishni oshirish maqsadida o‘quv yili oxirida buyuk alloma, algebra fanining asoschisi Abu Abdulloh Muhammad ibn Muso Al-Xorazmiyga bag‘ishlangan kecha tashkil etildi.

Kechada o‘quvchilar guruhlarga bo‘linib, turli matematik masalalar, mantiqiy topishmoqlar, tekzor hisoblash musobaqalari va sahna ko‘rinishlari bilan ishtirok etdilar. Tadbir boshida Al-Xorazmiyning hayoti va ilmiy faoliyati haqida qisqacha ma‘lumot berilib, uning algebra faniga qo‘shgan hisssasi haqida aytib o‘tildi. Ayniqsa, uning “al-jabr” atamasini ilk bor fanga kiritgani o‘quvchilarda katta qiziqish uyg‘otdi.

Tadbir nafaqat bilim, balki ijodiylik va hamjihatlik muhitida o‘tdi. O‘quvchilar matematikaning qanchalik qiziqarli va hayotiy muhim fan ekanini yana bir bor his qilishdi. G‘olib guruhlar diplom va esdalik sovg‘alari bilan taqdirlandi.

Matematik kecha o‘quvchilarning fanga bo‘lgan mehrini yanada oshirdi va Al-Xorazmiy merosiga hurmat bilan yondashishni o‘rgatdi.

Xadicha ISMOILOVA,
8-AFCHO‘SMUO‘TMning matematika fani o‘qituvchisi.

Qonunchilikni bilasizmi

Familya, ism va ota ismini o‘zgartirish tartibi

Familiya, ism va ota ismini o‘zgartirish haqidagi arizalar ariza beruvchi 16 yoshga to‘lgandan keyin u yashab turgan joydagi FHDYO organi tomonidan ko‘rib chiqiladi.

Agar 16 yoshga to‘lgan shaxs pasport yoki pasport o‘rnini bosuvchi shaxsni tasdiqlovchi boshqa hujjat olgunga qadar familiyasi, ismi, ota ismini o‘zgartirish haqida ariza bersa, u holda arizaga tug‘ilganlik haqida guvohnoma ilova qilinadi. Familiya, ism va ota ismini o‘zgartirish ichki ishlar organlari xulosasi asosida amalga oshiriladi.

Familiya, ism va ota ismini o‘zgartirish to‘g‘risidagi ariza berilgan kundan boshlab 2 oy mobaynida ko‘rib chiqiladi. Uzrli sabablar (ishni rasmiylashtirish uchun zarur bo‘lgan dalolatnoma yozuvi nusxalarining boshqa FHDYO organlaridan, ichki ishlar organlari xulosasining kechikib olinishi va boshqalar) mavjud bo‘lganda FHDYO organi mudiri ushbu muddatni 1 oydan ko‘p bo‘lgan muddatga uzaytirishi mumkin.

Ushbu xizmatni Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali murojaat qilib olish mumkin. **M.SIDIQOVA,**

Termiz shahar FHDYO bo‘limi mudirasi, xalq deputatlari Termiz shahar Kengashi deputati.

Tug‘ilganlik to‘g‘risida dalolatnoma yozuvlarini tiklash tartibi

Tug‘ilganlik haqidagi dalolatnoma yozuvlari bu yozuvlar kinga nisbatan tuzilgan bo‘lsa, faqat ana shu shaxslarning arizasiga ko‘ra tiklanadi. Agar 16 yoshgacha bo‘lgan bolaning tug‘ilishi haqidagi yozuv yo‘qolgan bo‘lsa yozuv bolaning ota-onasi, vasiysi, homiysi, bolalar muassasasi ma‘muriyatining arizasiga binoan tiklanadi.

Agar dalolatnoma yozuvining ikkala nusxasi ham yo‘qolgan bo‘lsa, u holda dalolatnoma yozuvini tiklash 16 yoshga to‘lgan fuqaroning shaxsiy arizasiga ko‘ra uning yashash joyidagi FHDYO organi tomonidan amalga oshiriladi. Quyidagi hujjatlar taqdim etiladi:

dalolatnoma yozuvini tiklash to‘g‘risida belgilangan namunadagi ariza;

Agentlik boshqarmasi idoraviy FHDYO arxivining ariza beruvchining tug‘ilgan joyi bo‘yicha dalolatnoma yozuvining yo‘qligi yoki yo‘qolganligi (yo‘qolganlik sabalarini ko‘rsatgan holda) haqidagi ma‘lumotnomasi;

ariza beruvchi pasportining nusxasi; ota-onasining pasportlari nusxalari, agar ota-onasi vafot etgan bo‘lsa, ularning o‘limi haqidagi ma‘lumotnomalar;

nikoh tuzilganligi haqidagi (ota-onasining va o‘zining) ma‘lumotnomalar; ota-onalarining hujjatlari bo‘lmaganda, aka-ukalari, opa-singillarining (ular bo‘lsa) tug‘ilganlik to‘g‘risidagi ma‘lumotnomalar.

M.FAYZULLAYEVA,
Termiz shahar FHDYO bo‘limi 2-toifali inspektori.

Afsona

Oltin yurakli daraxt

Qadim-qadim zamonlarda osmoni moviy, yeri serunum bo‘lgan olis bir o‘lkada boshqa daraxtlarga o‘xshamaydigan bir g‘aroyib daraxt o‘sar edi. Uning tanasi g‘adir-budir, qobig‘i qoraygan, barglari esa xira-yashil bo‘lib, ko‘zga xunuk tuyulardi. Har gal shamol esganida, boshqa daraxtlar xo-xolab shivirlab, kulib qo‘yishardi:

–Bu daraxt bizga o‘xshamaydi, hech nimaga yaramaydi...

Ammo hech kim bilmasdi — bu oddiy ko‘rinishli daraxtning bag‘rida oltindan yasalgan mehribon yurak yashar edi. Bu yurak unda har bir mavjudotga nisbatan samimiy tuyg‘ular, yordam berishga tayyorlik va so‘zsiz saxiylik uyg‘otib turardi. Kunlarining birida yurtga qattiq qurg‘oqchilik tushdi. Osmondan yomg‘ir yog‘may qo‘ydi, daryolar quridi, mayсалar sarg‘ayib, qush-u hayvonlar chanqoqdan dod deb qoldi. Odamlar ham umidsizlikka tushib, qayerdan yordam kelarkin,

deb osmon-u zamindan najot kutdi. Boshqa daraxtlar esa suvlari borini o‘zlarida saqlab qoldi. Hech biri ildizlarini yerdan chiqarib, atrofga suv berishni qohlamadi. “O‘zimga kerak,” deyishardi ular beparvoilik bilan. Ammo bizning oltin yurakli daraxt bunday befarqlikka dosh bermoledi. U hayvonlarning o‘ksib-o‘ksib nafas olishini, bolalarining ko‘zidagi umidsizlikni ko‘rib, yuragining tubidan shunday dedi:

–Menga berilgan yurak boshqalar uchun umasa, uning qiymati yo‘q!

Shunday deb, u yuragini eritdi. Oltindan bo‘lgan yurak ildizlari orqali yer ostiga oqib tushdi. Mo‘jiza ro‘y berdi: o‘sha yerda zilol, muzdek va shirin suvli buloq paydo bo‘ldi! Bolalarining suvi yer yuzasiga sizib chiqib, atrofini yana yashnatdi. Odamlar, hayvonlar va qushlar kelib buloqdan chanqog‘ini bostirdi. Daraxtning bag‘riga suyanib,

minnatdorchilik bilan “rahmat” deyishdi. U esa sukutda qolib, butun kuchini atrofga berganidan mamnun edi.

Endi u yanada oddiy ko‘rinardi – tanasi to‘kilib, sarg‘aygan lekin yuragi bilan butun yuraklarga nur sochib turgan edi. Boshqa daraxtlar o‘zlarining xatolarini anglab yetishdi. O‘sha g‘adir-budir, “hech nimaga yaramaydi!” degan daraxt aslida ularning barchasidan ulug‘roq ekanini tushunishdi. Shundan boshlab ular ham yerga suv uzata boshlashdi, qushlar uchun panoh, odamlar uchun soya bo‘lishga harakat qilishdi.

Va, o‘sha kundan boshlab o‘sha o‘lka yana gullab-yashnadi. Oltin yurakli daraxt esa afsonaga aylandi. Uning saxovati, mehribonligi va fidoyiligi avlodlar xotirasida abadiy saqlanib qoldi. Muxtasar aytganda, go‘zallik ko‘pincha tashqi ko‘rinishda emas, yurakdagi saxovat va mehrida bo‘ladi. Chin yurakdan berilgan yordam eng yuksak qadriyatlardan biridir.

Asila AKRAMOVA,
46-umumta‘lim maktabining 5-sinf o‘quvchisi.

истон Республикаси Давлат chegarasi tўғрисидаги қонун билан яқиндан танишиб, ўзаро мулоқот қилдилар. Тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга қониқарли жавоб олдилар.

А.БАКИРОВ.

Ma‘muriy boshqaruv, mutaxassis shifokor va o‘rta tibbiyot xodimi vazifasiga ishga kirish istagida bo‘lgan fuqarolar diqqatiga

Tuman tibbiyot birlashmasi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Sog‘liqni saq-lash sohasida islohotlarni chuqurlashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2024-yil 22-yanvardagi PQ-38-son qarorida belgilangan vazifalarni izchil amalga oshirish hamda Respublika

sog‘liqni saqlash vazirligining 2025-yil 8-yanvardagi 05-13/438-son xatining ijrosini ta‘minlash maqsadidagi Surxondaryo viloyati sog‘liqni saqlash boshqarmasining 2025-yil 11-yanvardagi 04-T-son buyrug‘iga asosan Muassa-salarda vakansiya aniqlan-

ganda ma‘muriy boshqaruv xodimlari, shifokorlar hamda o‘rta tibbiyot xodimlarini vacancy.argsos.uzga elektron ariza yuborish xizmati orqali tanlov asosida ishga qabul qilish joriy etilganligini ma‘lum qiladi.

Tuman tibbiyot birlashmasi ma‘muriyati.

Тақдирот

Шаффоф туйғулар куйчиси

Иқтидорли шоир Сирожи-дин Қулбобоевни нафақат Муз-рабодта, балки Сурхон воҳа-си ва мамлакат миқёсида шеър-ият шайдолари яқиндан би-лишади. Эл суйган ижодкор айни пайтда “Музработ” газе-таси тахририятида мухбир си-фатида фаолият юритаётти.

Сирожиiddин Қулбобоев-нинг кўплаб шеърлари, насрий ва публицистик асарлари, ту-ман, вилоят, республика мат-буотида ёритилган. У “Энг улуғ, энг азиз” танловининг вилоят босқичи совриндори. Назмий битиклари “Сатрларда ярал-ган ўзлик”, “Зангори кенглик-лар”, “Сурхондандур сирли су-рурлар” альманахларидан жой олган “Айрилиқ фасли” номли илк шеърый тўплами мухли-ларининг нафақат китоб жаво-ни, балки кўнгилдан ҳам жой олган. Қирғизистон Респуб-ликасининг “Қирғиз шоир-ёзув-чилари” жамоат фонди, Қозо-ғистоннинг “Дунё талантлари” ва Халқаро Турон Ёзувчилар уюшмаларининг аъзолигига



қабул қилингани шоир назмий ижодининг эътирофидир.

Яқинда Тошкент шаҳрида-ги “Ganjina” нашриётида Си-рожиiddин Қулбобоевнинг ик-кинчи китоби – “Шаффоф туй-ғулар” номи остида чоп этил-ди. Ундан шоирнинг кейинги йилларда ёзган шеърлари ва қатраллари ўрин олган.

Шу муносабат билан туман ахборот-кутубхона марказида

янги китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Унга воҳамизнинг таниқли ижодкорлари, ёш шо-ирлар, кутубхона жамоаси, мак-таб ўқувчилари, муаллифнинг яқинлари иштирок этди. Тақди-мот маросимини “Музработ” га-зетаси муҳаррири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзо-си Абдусалом Йўлдошев кири-ш сўзи билан очиб, Сирожиiddин Қулбобоевнинг ҳаёти ва ижодий

Эзгу ташаббус

Маҳаллада кўчма кутубхона



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрса-тишни янада такомиллашти-риш тўғрисида” 2019 йил 7 июн-даги ПҚ-4354-сон қарорига асо-сан туман Ахборот-кутубхона маркази ташкил этилган. Маз-

кур зиё маскани ҳозирги вақт-да 16 мингдан ортиқ китоб фон-дига эга бўлиб, кенг китобхон-лар оммасига беминнат маъна-вий хизмат кўрсатиб келаётир.

Яқинда аҳолининг китобхон-лик савиясини ошириш, кам-ров кўламини кенгайтириш мақсадида “Бодомзор” МФЙ

биносида кўчма кутубхона таш-кил этилди. Унинг очилиш ма-росимида туман Ахборот-кутуб-хона маркази раҳбари Б.Хур-санов, Бодомзор маҳалласи кексалар Кенгаши раиси С.Сидиков, нуронийлардан М.Дониев, Р.Сафаров, ўқитув-чилардан У.Маматкулов сўзга чиқдилар ва ушбу маскан бил-лан Бодомзор ҳамда Мадани-ят маҳаллалари фуқаролари-ни табриклади.

Кутубхона раҳбари томони-дан маҳаллаларда “Кутубхона-га менинг ҳиссам” оммавий ки-тобхонлик акциясини ташкил этиш таклифи билдирилди. Илгари сурилган гоа аҳоли ва-килларига маъқул келиб, кўлаб-қувватлади.

Бадиий қисмда 12- ва 13-мактабларнинг истеъдодли ўқувчилари шеърлардан наму-наларни ифодали ўқидилар, кўшиқлар ва аjoyиб рақслар ижро этдилар.

С.КУЛБОБОВ.

Bir maktabda

Psixologik yordam

O'quv maskanida “Men muvaffaqiyatni tanlayman” oyiligi bolib otdi



Umumiy o'rta ta'lim maktablarida faoliyat yuritib kelayotgan amaliyotchi-psixologlar uchun, O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirining 2024-yil 23-avgustdagi tegishli buyrug'iga asosan 2024-2025-o'quv yiliga mo'ljallangan ish

rejası tuzilgandi.

Ushbu ish rejasiga muvofiq may oyida “Men muvaffaqiyatni tanlayman” oyiligi doirasida maktabning yuqori sinf o'quvchilariga mavzu yuzasidan davra suhbatlari, trening mashg'ulotlari va o'quvchilar bilan individual suhbatlar uyushtirildi.

Xususan, 6, 7, 8, 9, 10, 11-sinf o'quvchilari bilan “Kelajakdagi maqsadim” mavzusida davra suhbatı tashkil etildi va mazmunli suhbat olib borildi.

Men amaliyotchi-psixolog sifatida maktabning bitiruvchi o'quvchilari bilan “Imtihonga tayyorgarlik va stressga bardoshlilik” mavzusi bo'yicha mashg'ulotlarni o'tkazdim. Maktab psixologining asosiy vazifalaridan biri bu – o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va psixologik qo'llab-quvvatlash. Shunday ekan, biz, psixologlar har bir o'quvchiga kasb-hunar tanlashda, psixologik yordam ko'rsatish va qo'llab-quvvatlash hisoblanadi. Har bir o'quvchi o'zi qiziqqan va sevgan kasbini tanlash huquqiga ega. Biz o'z o'quvchilarimizga ishonamiz, ular albatta o'z muvaffaqiyatini ta'minlaydi.

Manzura MISIROVA, 21-umumta'lim maktabining amaliyotchi-psixologi.

BOLA TAFAKKURINING POYDEVORI

yoxud ta'limga didaktik materiallar bilan yondashuv

Ta'lim bu – bilim berish, malaka va ko'nikmalardan hosil qilish jarayonidir. U kishini hayotga va mehnatga tayyorlashning asosiy vositasi ekanligini biz yaxshi bilamiz.

Ta'lim jarayonining bevosita ishtirokchilari bo'lmish pedagoglar, hozirgi kunda, dars jarayonida turli didaktik materiallardan foydalanib kelishmoqda. Bunda bolalarning o'tilayotgan mavzuga qiziqishi ortadi, mantiqiy tafakkurlashi rivojlanib, mavzuni oson o'zlashtiradi va amaliyot bilan qo'llaydi. Bolalar o'tilayotgan mavzuni tushunibgina qolmay, balki bir vaqtning o'zida mustahkamlaydilar.

Ayrim didaktik materiallar o'quvchilarni fikrlashga undaydi, ular esa bunga qiziqish bilan qaraydilar. Bir so'z bilan aytganda,



bolalarni didaktik materiallar fikrlashga, xulosalashga, amalda qo'llashga o'rgatadi.

Bir necha yillik ish tajribam shuni ko'rsatadiki, didaktik materiallar bilan boyitilgan dars mantiqiy fikrlilikka, izchillikka, tushunarliklikka va asosiysi,

harakatchan faollikka yo'g'rilgan bo'ladi. Ta'lim berish jarayonida, ya'ni dars davomida didaktik materiallardan unumli foydalansak, ta'lim sifati yanada oshadi.

Dildora XOLYOROVA, 21-umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

фаолияти ҳақида гапирди. Шун-дан сўнг таниқли адиблар – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Йўлдош Мирзаев, Нар-зулла Сўфизода, жаркўргонлик шоир Чори Зариф ижодкор-нинг илк шеърый тўплами – “Ай-рилиқ фасли” муҳлислари эъти-борини қозонганини алоҳида эътироф этишди. Таъкидланди-ки, шаффоф туйғулар куйчиси бўлган Сирожиiddин Қулбобоев-нинг иккинчи китоби ҳам шеър-ият ихлосмандлари қалби-ю шуурига кўклам янгиғ тиник туй-ғулар ифориини таратади.

Тақдиротда, шунингдек, шо-ирнинг отаси Юсуф Қулбобоев, ижодкор, меҳнат фаҳрийси Аб-дурасул Холиёров, Ахборот-кутуб-хона маркази директори Ботир Хурсанов ҳам ўз илиқ муносабат-ларини билдирдилар. Тадбирда мактаб ўқувчилари шеърлардан намуналарни ифодали ўқидилар. 2-умумтаълим мактабининг хавас-корлари эса кичик концерт даст-турини намойиш этишди.

Китоб тақдироти якунида шоир Сирожиiddин Қулбобоев билдирилган истак ва тилак-лар учун қатнашчиларга ўз мин-натдорлигини билдирди ва китобларидан улашди.

А.ЭШМУРДОВ.

СОДИҚ

ДЎСТЛАР

(Эртас)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда гўзал бир боғ чеккасида уч дўст яшар экан: кувноқ куёнча, доно тулки ва бақувват айик. Улар ҳар доим бир-бирига ёрдам бе-риб, ҳеч қачон ёлғиз қолдир-мас экан.

Баҳор келиб, боғ атрофида ширин мевалар етишибди. Уч дўст бирга мева териб, қишда еиши учун гамлашмоқчи бўли-шибди. Лекин шу пайт оч бўри боғдаги меваларни ўғирлаш-ни режалаштиришди. Бўри қуёнчага алдаш учун унга:

- Эй қуёнча, сен шунчалик тез югуришинг билан машхур-сан. Кел пойга ўйнаймиз! Ким ютса, унга катта совға бор!-дебди.

Қуёнча қизиқиб рози бўлиб-ди. Бўри эса шу пайтда тулки ва айикни қалғитиб, мевалар-ни олиб қочмоқчи эди. Лекин доно тулки бўрининг ниятини сезиб қолибди. Дарров қуён-чага оғохлантирибди:

-Дўстим, эҳтиёт бўл! Бу бўрининг макри бор.

Шунда айик ғазаб билан бўрининг олдига келиб унга:

-Сен дўстларимни алдаш-ни бас қил! Агар ёмон ния-тинг бўлса, бу боддан кет, -дебди.

Бўри дўстларнинг содиқли-гини кўриб, ўз режасидан воз кечиб қочиб қолибди. Уч дўст меваларни хавфсиз жойга қўйиб, хотиржам ҳаёт кечириш-да давом этишибди. Шу тариқа улар ҳар доим бир-бирига су-янч бўлиб яшаб, дўстликни асраб-авайлашибди.

Ана кўрдингизми, болажон-лар, ҳақиқий дўстлар ҳар қан-дай қийинчиликда бир-бири-ни қўлаб-қувватлайди ва ҳеч қачон ёлғиз қолдирмайди.

Саломат ТЎРАҚУЛОВА, 25-давлат мактабгача таъ-лим ташкилоти кичик гуруҳ тарбиячиси.

СҮЮНЧИСИ БОР

2025 йил 23 май куни соат 11.00-12.00 лар атрофида Юртим жомоли маҳалласидаги новвой-хона (дока хлеб) билан пахта за-води оралиғидаги йўлда 1962 йил 5 октябрда туғилган Юсупов Эш-тўра Абурукович, 1969 йил 11 ию-нда туғилган Холтўраева Хайрини-со Бобоевнага тегишли фуқаролик паспорти, шунингдек, Юсупов Эш-тўра Абуруковичнинг хайдовчилик гувоҳномаси, “Тико” русумли эн-гил автомобиласининг техник пас-порти ва бошқа буюмлар сумка-си билан тушириб қолдирилган. Йўқотилган хужжат ва буюмлар топиб олганлар +998 коди билан 94 262 07 96, 99-184 30 01, 97-850 05 62 телефон рақамларига қўн-гирок қилиб хабардор қилишлари мумкин. Суюнчиси бор.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Халқободдаги 2-давлат мактабгача таълим ташкилоти 180 ўринли бўлиб, 22 нафар ўз касбига садоқатли педагоглар жажжи ўғил-қизларга таълим-тарбия бериб келишяпти. Жамоа орасида ёш бўлса-да, катта тажрибага эга тарбиячи Гулруҳ Абдуллаева, айниқса, муносиб ўринга эга.

«Central Asia – 2025»

Халқаро китобхонлик фестивали

Мамлакатимизда китобхон-лики тарғиб қилиш, китоб-хонлик маданиятини ошириш-га муҳим эътибор қаратила-япти. Унинг замирида эса аҳолини маърифатли қилиш-дек улкан мақсад ётибди. Шу боис жорий йилнинг 15-17 май кунлари Фарғона вилоятида халқаро китобхонлик фестива-ли ҳамда “Central Asia – 2025”: фан, таълим, маданият ва биз-несда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” XVIII Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Буюк Британия, Болгария, Бе-лоруссия, Германия, Франция, Уммон Султонлиги, Россия Фе-дерацияси, Малайзия каби хорижий давлат вакиллари, мутахассис ва экспертлар, юртимизнинг барча худудла-ридан 400 дан зиёд кутубхо-начилар, олий таълим ахборот-ресурс марказлари раҳбарла-ри, архивариус ва музей хо-димлари, ахборот-коммуника-ция технологиялари бўйича мутахассислар иштирок этишди.Тадбирни Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бо-зоров очиб, барчани “Central Asia – 2025”: фан, таълим, ма-даният ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” XVIII Халқаро конферен-цияси ҳамда Китобхонлик фе-стивали билан табриклаб, Пре-зидентимиз Шавкат Мирзиё-ев ташаббуси билан халқимиз-ни китобхон миллатга айлан-тириш борасида кенг камровли эзгу саъй-ҳаракат-лар олиб борилаётганигини эътироф этди. Таъкидланди-ки, вилоятда “Давлат хизмат-чиси кутубхонада бир кун” ло-



йиҳаси ташкил этилди. Ушбу лойиҳада 70 мингдан зиёд дав-лат хизматчилари худудий ах-борот-кутубхона марказларига аъзо бўлиб, китоб ўқиш ва ку-тубхонанинг доимий фаоллари бўлишда бутун жамиятга наму-на бўлиб келмоқда.

Бу борада “Фарғона тажри-баси” яратилиб, эндиликда вилоятда ҳар йили “Энг наму-налы китобхон ташкилот”, “Энг яхши китобхон давлат хизмат-чиси”, “Энг бой кутубхонага эга ташкилот” ва “Энг яхши китоб-хон раҳбар” кўрик-танловлари-ни ташкил этиш режалашти-рилган. Шундан сўнг Ўзбекис-тон Ахборот ва оммавий ком-муникациялар агентлиги ди-ректори А.Ходжаев, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директо-ри У.Тешабоевалар сўзга чи-қиб, юртимизда китобхонлик, мутолаа маданияти, кутубхона-чилик, соҳага доир маълумот-ларни айтиб ўтдилар. Ўзбек-истон Республикаси вазирилик ва идоралари вакиллари ва хорижлик меҳмонлар конферен-ция иштирокчиларини кутла-

дилар, мазкур анжуманнинг долзарблигини қайд этдилар, унинг тараққий этаётган жа-миятимизда моҳияти ҳақида фикр билдирдилар.

“Sentral Asia – 2025”: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” XVIII Халқаро кон-ференцияси доирасида Фар-ғона Давлат университетининг “Маънавият ва маърифат” мар-кази биносида ахборот-кутуб-хона соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган, жамиятда мuto-лаа маданияти, китобхонликини кенг тарғиб қилиш ва ёш мута-хассис кадрлар тайёрлаш бо-расида самарали меҳнат қил-ган, иш фаолиятида юқори на-тижаларга эришган бир қатор соҳа мутахассисларини “Ахбо-рот-кутубхона аълочиси” кўрак нишони билан тақдирлаш ма-росими бўлиб ўтди. Халқаро конференция жуда кўтаринки ва юқори савияда ташкиллаш-тирилди.

Ботир ХУРСАНОВ, Музработ тумани Ахборот-кутубхона маркази дирек-тори.

Фуқаролар диққатиға

Проактив пенсия қандай тайинланади?

2025 йил 1 мартдан бошлаб, фуқароларга ёшга доир пенсия-лар аёллар 55 ёшга, эркаклар 60 ёшга тўлиши муносабати билан алоҳида мурожаат талаб этилмаган ҳолда проактив шақл-да тайинлаш тартиби жорий этилди. Бунда пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган барча хужжатлар электрон шаклда қабул қилиб олинади, яъни вазирилик ва идоралараро йўлга қўйилган ахборот алмашинуви орқали маълумотлар автоматик тарзда шаклланади.

Фуқароларнинг паспорт маълумотлари Адлия вазирилиги ҳузу-ридаги “Давлат персоналлаштириш маркази”дан олинади. Ке-йинги босқичда уларнинг манзилларини аниқлаш учун Ички иш-лар вазирилигининг “Манзил” ахборот тизимига электрон сўровно-ма юборилади. Меҳнат стажлари “Ягона миллий меҳнат тизими”-дан, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар Халқ банки ва Давлат Солиқ қўмитасининг ахборот тизимидан олинади ва фуқаролар-нинг оворагарчиликларисиз пенсиялар тайинланади.

Энг асосийси, фуқароларимиз ҳеч қарога чиқмай, уйларида турган ҳолда ўзларига пенсия тайинланганлиги ёки тайинлан-маганлиги тўғрисида ёхуд рад этилган сабаблари кўрсатилган ҳолда шахсий телефонларига СМСлар юборилади. Агар фуқа-роларнинг ўз номларига расмийлаштирилган телефон рақам-лар бўлмаса, пенсия тайинланганлиги ёки тайинланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар почта орқали юборилади.

Проактив пенсия тайинлашда ишловчи фуқаролар маълу-мотлари тўлиқ рақамлашган, вақтинча иш фаолиятини тўхтат-ган, олдин ишлаган лекин ҳозирги кунда ишламаётган фуқаро-ларнинг иш стажы тўғрисидаги маълумотлар рақамлашмаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда фуқаролар ўз худудидаги Кам-бағаллики қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимла-рига мурожаат қилган ҳолда иш стажлари тўғрисидаги маълу-мотларни рақамлаштиришлари лозим бўлади.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Музработ тумани бўлими.